



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 21» iyun

№ 253

Toshkent sh.

Автомототранспорт воситаларига рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини расмийлаштириш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг “Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 31 августдаги 683-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Мамлакатимизда сўнгги йилларда олиб борилаётган ислохотлар натижасида автоматотранспорт воситаларига рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини оширилган тўлов ставкалари бўйича аукцион орқали сотиш тизими жорий қилинди.

Ушбу тизимнинг жорий этилиши, автоматотранспорт воситаларига рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини расмийлаштиришда шаффофликни ҳамда рақобатбардошликни таъминлаш билан бир қаторда Давлат бюджети маблағларининг сезиларли даражада ортишига хизмат қилмоқда.

Мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини янада ошириш ҳамда фуқароларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 31 августдаги 683-сон қарорига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар иловага мувофиқ киритилсин:

рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини қайта аукцион савдоларига электрон тизим орқали автоматик равишда қўйиш;

аукционда ютиб олинган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини расмийлаштириш муддатларини узайтириш, шунингдек, ушбу рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини яқин қариндошларнинг транспорт воситаларига расмийлаштириш тартибини жорий этиш;

айрим рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини аукцион орқали оширилган тўлов ставкалари бўйича бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари рўйхатига киритиш.

2. Белгилансинки, **2023 йил 1 июлдан бошлаб** аукцион савдолари орқали сотилиши белгиланмаган, ҳарфлари бир хил комбинацияда бўлган 680 жуфт давлат рақами белгилари 6-тоифага доир бошланғич нархда аукцион савдоларига қўйилади.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р.Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 21 июндаги 253-сон қарорига
илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Автомобилтранспорт воситаларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказиш давлат рақами
белгиларини бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”
2017 йил 31 августдаги 683-сон қарорига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

“Молия вазирлигининг” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

“(кейинги ўринларда биржа деб аталади)” сўзлари “(кейинги ўринларда – биржа)” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 3-бандда:

иккинчи хатбошидаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати” сўзлари “Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг (кейинги ўринларда – ЙХХХ) Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари жамоат хавфсизлиги хизмати йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар)” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги “Молия вазирлиги” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 4-бандда:

иккинчи хатбошидаги “Молия вазирлигининг” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги” сўзлари “Рақамли технологиялар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “йўл ҳаракати хавфсизлигининг ҳудудий бошқармалари ҳамда рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлинмалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати Бош бошқармасини” сўзлари “ЙХХХ ва ҳудудий бошқармаларни” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. 5-бандда “Молия вазирлиги” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

5. 6-бандда:

тўртинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати Бош бошқармаси билан биргаликда Ўзбекистон

Республикаси Ички ишлар вазирлиги давлат Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати ҳудудий органларининг” сўзлари “ЙХХХ билан биргаликда ҳудудий бошқармаларнинг” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги” сўзлари “Рақамли технологиялар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

6. 7-банддаги “Молия вазирлиги” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

7. 8-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати ҳудудий органлари” сўзлари “ҳудудий бошқармаларнинг” сўзлари билан алмаштирилсин.

8. 1-иловада:

1-банддаги “Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда ДЙХХХ деб аталади) органларида” сўзлари “Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг (кейинги ўринларда – ЙХХХ) Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари жамоат хавфсизлиги хизмати йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларида (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар)” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-9-бандлардаги, 11 ва 12-бандлардаги, 14-банддаги, 16-банднинг биринчи ва олтинчи хатбошиларидаги, 20-банддаги, 22-банддаги, 23-банднинг учинчи хатбошисидаги, 24-банддаги, 33-банддаги, 34-банднинг тўртинчи хатбошисидаги, 35-банднинг тўртинчи хатбошисидаги, 36-банддаги, 36¹-банддаги, 42-банддаги, 43-44 ва 46-бандларнинг бешинчи хатбошисидаги, 48-банддаги, 51-55-бандлардаги, 57-59-бандлардаги, 63 ва 67-бандлардаги тегишли сон ва келишиқдаги “ЙХХДХ органи” ҳамда “ҳудудий ЙХХДХ органлари” сўзлари тегишли сон ва келишиқдаги “ЙХХХ ва унинг ҳудудий бошқармалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

16-бандда:

олтинчи хатбошидаги “ҳудудий ЙХХДХ органлари” сўзлари “ҳудудий бошқармалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

23-бандда:

биринчи хатбошидаги “ҳудудий ЙХХДХ органларга” сўзлари “ҳудудий бошқармаларга” сўзлари билан алмаштирилсин;

26-банднинг еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Илгари фойдаланишда бўлган РЎДРБ такроран фойдаланиш учун берилмайди ва белгиланган тартибда йўқ қилинади (оширилган тўлов ставкалари бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБ ҳамда харидоргир харф

ва рақамлар комбинациясига эга бўлган оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБ, шунингдек давлат органлари ва ташкилотлари учун жорий этилган алоҳида серияли РЎДРБлари бундан мустасно)”;

28-банддаги “худудий ЙХХДХ органлари” сўзлари “худудий бошқармалар” сўзлари билан алмаштирилсин;

29-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“29. Автотранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказишда олдин берилган (илгари фойдаланишда бўлган) оширилган тўлов ставкалари бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБ ва харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБ транспорт воситасининг аввалги эгасининг аризасига кўра худудий бошқармаларга ўн икки ой муддатга сақлаш учун топширилиши мумкин. РЎДРБни ўн икки ой муддатга сақлаганлик учун тўлов ундирилмайди.

Ушбу муддат тугагандан сўнг, қўшимча равишда бир маротаба ўн икки ойдан ошмаган муддатга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида тўлов тўлаган ҳолда РЎДРБ сақлаш муддатини узайтириш мумкин.

Сақлаш учун ундирилган тўлов суммаси ЙХХХнинг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати моддий-техника базасини ривожлантириш, ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармасига ўтказилади”;

31 ва 32-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“31. Оширилган тўлов ставкалари бўйича автотранспорт воситалари учун олдин берилган (илгари фойдаланишда бўлган) РЎДРБлар автотранспорт воситаларининг эгалари томонидан сақланмаганда, белгиланган тартибда худудий ДЙХХХ органлари томонидан олиб қўйилади ва биржанинг ахборот базасида очиқ савдога белгиланган тартибда уларни кейинчалик бериш учун чиқарилади.

Бунда худудий бошқармалар оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун янги РЎДРБларни белгиланган тартибда илгари фойдаланилган ўхшаш ҳарф ва рақамлар комбинацияси ўрнига тайёрланишини таъминлайди.

Олдин берилган (илгари фойдаланишда бўлган) харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБлар, улар автотранспорт воситалари эгалари томонидан сақланмаган ҳолатларда худудий бошқармалари томонидан олиб қўйилади ва белгиланган тартибда йўқ қилинади.

Бошқа худудларнинг худудий кодларига эга бўлган олдин берилган (илгари фойдаланишда бўлган) РЎДРБлар, шу жумладан оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБлар ва харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган оширилган тўлов ставкаси бўйича

автотранспорт воситалари учун РЎДРБлар ҳудудий бошқармалари томонидан белгиланган тартибда йўқ қилинади. Бошқа ҳудудларнинг ҳудудий кодларига эга бўлган оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБлар йўқ қилинганлиги ҳақида олдинги ҳисоб жойи бўйича ҳудудий бошқармалари 5 кун мобайнида ёзма равишда хабардор қилинади.

Бунда аввалги эгасининг аризасига кўра олдин берилган (илгари фойдаланишда бўлган) бошқа ҳудудларнинг ҳудудий кодларига эга бўлган оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБлар ва харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБлар автотранспорт воситаси ҳисобдан чиқарилгандан сўнг автотранспорт воситасини ҳисобдан чиқарган ҳудудий бошқарма томонидан РЎДРБнинг ҳудудий кодларига мувофиқ тегишли ҳудудий бошқармага қайтарилади.

32. Мазкур Низомнинг 30 ва 31-бандларига (иккинчи хатбоши бундан мустасно) мувофиқ олдин берилган (илгари фойдаланишда бўлган) оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБлар ва харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБларни такроран бериш фақат улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ бўлганда, шу жумладан РЎДРБнинг ҳудудий кодига, транспорт воситасининг рўйхатдан ўтиш жойига мувофиқ бўлганда, шунингдек РЎДРБ бериш учун белгиланган тегишли тўловлар амалга оширилганидан сўнг йўл қўйилади.

Олдин берилган (илгари фойдаланишда бўлган) оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБлар ва харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБлар такроран мазкур Низомнинг 30-бандига асосан берилганда оширилган тўлов ставкаси назарда тутилмаган ҳолда РЎДРБни бериш учун тўлов ставкасининг 50 фоизи миқдорида тўлов суммаси белгиланади”;

34, 35, 43 ва 44-бандларнинг биринчи хатбошиларидаги “ҳудудий ЙХХДХ органлари” сўзлари “ҳудудий бошқармалар” сўзлари билан алмаштирилсин;

45-банднинг биринчи хатбошисидаги “ҳудудий ЙХХДХ органлари” сўзлари “ҳудудий бошқармалар” сўзлари билан алмаштирилсин;

46-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“46. Мазкур Низомнинг 45-бандида кўрсатилган ҳужжатларни ҳисобга қўйиш учун нотариус ва консуллар томонидан уларнинг электрон шакллари ҳудудий бошқармаларига юборилади ёки ЙХХХнинг автоматотранспорт воситаларини ҳисобга қўйишни рўйхатдан ўтказиш Ягона автоматлаштирилган тизимига киритилади.”

иккинчи хатбошидаги “худудий ЙҲХДХ органлари” сўзлари “худудий бошқармалар” сўзлари билан алмаштирилсин;

49-банддаги “худудий ЙҲХДХ органлари” сўзлари “худудий бошқармалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

55-банднинг еттинчи хатбошисидаги “гувоҳномага” сўзи “тасдиқномага” сўзи билан алмаштирилсин;

56-банддаги “худудий ЙҲХДХ органлари” сўзлари “худудий бошқармалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

65 ва 66-бандлардаги “худудий ЙҲХДХ органлари” сўзлари “худудий бошқармалар” сўзлари билан алмаштирилсин;

9. 2-иловада:

2-банднинг олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

4-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Савдоларда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда – ЙҲХХ) томонидан биржага тақдим қилинган рўйхат бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари Жамоат хавфсизлиги хизмати Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларининг рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлинмалари (кейинги ўринларда – худудий бошқармалар) иштирок этади.”;

7-банддаги “Молия вазирлигининг” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банднинг иккинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Савдолар босқичи ЙҲХХ ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда биржа томонидан белгиланади”;

18-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“18. Рақобат тартиботи амалга ошмади деб эътироф этилган ҳолатда (иккинчи ғолиб рад этган ёки харидорлар мавжуд бўлмаган ҳолатда), ахборот тизимида автотранспорт воситалари учун РЎДРБни оширилган тўлов ставкаси бўйича беришни 5 кун муддат ичида автоматик равишда қайтадан эълон қилинади”;

20-бандда:

биринчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ” сўзлари “ЙҲХХ ва унинг худудий бошқармалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ” сўзлари “ЙҲХХ ва унинг худудий бошқармалари” сўзлари билан ва “10 календарь кун” сўзлари “30 календарь кун” сўзлари билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ғолиб (жисмоний шахс) молиявий мажбуриятларни тўлиқ қоплагандан кейин ўзининг яқин қариндошига (ота-она, туғишган ёки ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзандлар, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобоси, бувиси, неваралар, шунингдек, эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ёки ўғай ака-укалари ва опа-сингиллари)га, шунингдек, умумий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга ва меросхўрларга тегишли бўлган автотранспорт воситасига РЎДРБни расмийлаштиришга розилик бериши мумкин.”;

21-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“21. Автотранспорт воситалари учун оширилган тўлов ставкаси бўйича РЎДРБ расмийлаштирилгандан сўнг ЎХХХнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали битим бўйича мажбуриятлар бажарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар инсон омилсиз автоматик тарзда ХҚПга юборилади. ХҚП эса битим суммасини ва биржа воситачилик йиғимидан ажратмани Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлигининг тегишли бюджет ва бюджетдан ташқари ҳисобварақларга ўтказди”;

22-банддаги “Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЎХХББ бўлинмаларига” сўзлари “худудий бошқармаларга” сўзлари билан алмаштирилсин;

23-банднинг биринчи хатбошидаги “Молия вазирлигига ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЎХХББга” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ҳамда ЎХХХга” сўзлари билан алмаштирилсин;

24-банднинг биринчи ва учинчи хатбошиларидаги “Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЎХХББ” сўзлари “ЎХХХ ва унинг худудий бошқармалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

26-бандда:

биринчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЎХХББ” сўзлари “ЎХХХ” сўзи билан;

иккинчи хатбошидаги “Молия вазирлигига ва” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ҳамда” сўзлари билан алмаштирилсин;

иловага 1-иловада:

“Субъектлар” устунидаги “йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси” сўзлари “Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Тадбирлар” устунидаги “рақамлари” ва “Молия вазирлиги” сўзлари “варақлари” ва “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

иловага 2-илова куйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Оширилган тўлов ставкалари бўйича бериладиган
I, IA, IE, III, IIIA, IIIE типдаги автотранспорт воситалари учун
рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг
РЎЙХАТИ**

Т/р	Тоифаси	РЎДРБнинг сериядаги сони	РЎДРБ* рақам комбинациялари	РЎДРБнинг бошланғич нархи (БХМда**)	
				РЎДРБга ҳар хил комбинациядаги ҳарфлар билан	РЎДРБга бир хил комбинациядаги ҳарфлар билан
Тошкент шаҳри					
1.	1-тоифа	9 жуфт	001, 007, 100 111, 222, 555, 700, 777, 888	100	130
2.	2-тоифа	20 жуфт	002, 005, 010, 020, 050, 070, 077, 080 101, 200, 202, 300, 333, 444, 500, 505, 707, 800, 808, 999	30	40
3.	3-тоифа	26 жуфт	003, 004, 008, 009, 011, 022, 030, 033, 040, 044, 055, 088, 090 110, 220, 303, 400, 404, 550, 600, 701, 717, 757, 770, 900, 909	10	15
4.	4-тоифа	36 жуфт	006, 099 220, 330, 440, 606, 666, 702, 703, 704, 705, 706, 708, 709, 710, 711, 712, 715, 721, 722, 727, 737, 747, 767, 771, 772, 773, 774, 775, 776, 778, 779, 787, 797, 880, 990	8	10
5.	5-тоифа	72 жуфт	021, 060, 066 102, 121, 131, 141, 151, 161, 171, 177, 181, 191 212, 215, 232, 242, 252, 262, 272, 277, 282, 292 313, 323, 343, 353, 373, 383, 393 414, 424, 434, 454, 464, 474, 484, 494 515, 525, 535, 545, 565, 570, 571, 575, 577, 585, 595, 616, 656, 660, 676 733, 744, 755, 788, 799 818, 828, 838, 848, 858, 878, 898	7	8

			919, 929, 939, 949, 959, 979, 989		
6.	6-тоифа	184 жуфт	012, 015, 017, 071, 075, 107, 112, 113, 114, 115, 116, 117, 118, 119, 122, 123, 133, 144, 155, 166, 170, 188, 199. 201, 203, 205, 207, 210, 211, 221, 223, 224, 225, 226, 227, 228, 229, 233, 234, 244, 255, 266, 288, 299. 301, 307, 311, 322, 331, 332, 334, 335, 336, 337, 338, 339, 344, 345, 355, 366, 363, 377, 388, 399. 401, 402, 407, 411, 422, 433, 441, 442, 443, 445, 446, 447, 448, 449, 455, 456, 466, 477, 488, 499. 501, 507, 510, 511, 522, 533, 544, 551, 552, 553, 554, 556, 557, 558, 559, 564, 566, 567, 588, 599. 601, 607, 611, 622, 626, 633, 636, 644, 646, 655, 661, 662, 663, 664, 665, 667, 668, 669, 677, 678, 686, 688, 696, 699. 713, 714, 716, 718, 719, 725, 720, 723, 730, 735, 740, 750, 760, 766, 780, 786, 789, 790. 801, 807, 811, 822, 833, 844, 855, 866, 868, 877, 881, 882, 883, 884, 885, 886, 887, 889, 899. 901, 907, 911, 922, 933, 944, 955, 966, 969, 977, 988, 991, 992, 993, 994, 995, 996, 997, 998.	6	7
Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар					
7.	1-тоифа	9 жуфт	001, 007, 100 111, 222, 555, 700, 777, 888	25	30
8.	2-тоифа	20 жуфт	002, 005, 010, 020, 050, 070, 077, 080 101, 200, 202, 300, 333, 444, 500, 505, 707, 800, 808, 999	10	15
9.	3-тоифа	26 жуфт	003, 004, 008, 009, 011, 022, 030, 033, 040, 044, 055, 088, 090	8	9

			110, 220, 303, 400, 404, 550, 600, 701, 717, 757, 770, 900, 909		
10.	4-тоифа	36 жуфт	006, 099 220, 330, 440, 606, 666, 702, 703, 704, 705, 706, 708, 709, 710, 711, 712, 715, 721, 722, 727, 737, 747, 767, 771, 772, 773, 774, 775, 776, 778, 779, 787, 797, 880, 990	7	8
11.	5-тоифа	72 жуфт	021, 060, 066 102, 121, 131, 141, 151, 161, 171, 177, 181, 191 212, 215, 232, 242, 252, 262, 272, 277, 282, 292 313, 323, 343, 353, 373, 383, 393 414, 424, 434, 454, 464, 474, 484, 494 515, 525, 535, 545, 565, 570, 571, 575, 577, 585, 595, 616, 656, 660, 676 733, 744, 755, 788, 799 818, 828, 838, 848, 858, 878, 898 919, 929, 939, 949, 959, 979, 989	6	7
12.	6-тоифа	184 жуфт	012, 015, 017, 071, 075, 107, 112, 113, 114, 115, 116, 117, 118, 119, 122, 123, 133, 144, 155, 166, 170, 188, 199. 201, 203, 205, 207, 210, 211, 221, 223, 224, 225, 226, 227, 228, 229, 233, 234, 244, 255, 266, 288, 299. 301, 307, 311, 322, 331, 332, 334, 335, 336, 337, 338, 339, 344, 345, 355, 366, 363, 377, 388, 399. 401, 402, 407, 411, 422, 433, 441, 442, 443, 445, 446, 447, 448, 449, 455, 466, 456, 477, 488, 499. 501, 507, 510, 511, 522, 533, 544, 551, 552, 553, 554, 556, 557, 558, 559, 564, 566, 567, 588, 599.	5	6

			601, 607, 611, 622, 626, 633, 636, 644, 646, 655, 661, 662, 663, 664, 665, 667, 668, 669, 677, 678, 686, 688, 696, 699. 713, 714, 716, 718, 719, 725, 735, 720, 723, 730, 740, 750, 760, 766, 780, 786, 789, 790. 801, 807, 811, 822, 833, 844, 855, 866, 868, 877, 881, 882, 883, 884, 885, 886, 887, 889, 899. 901, 907, 911, 922, 933, 944, 955, 966, 969, 977, 988, 991, 992, 993, 994, 995, 996, 997, 998.		
--	--	--	---	--	--

*) РЎДРБ – рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари.

**) БҲМ – базавий ҳисоблаш миқдори”.

иловага 2а-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Жисмоний ва юридик шахсларнинг талабларига асосан харидоргир
харф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган 1 – 3-тоифадаги
автотранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами
белгиларининг аукционга қўйиладиган бошланғич
НАРҲЛАРИ**

Т/р	РЎДРБ* рақам комбинациялари	Исталган харф комбинациялари учун тўлов ставкалари (БҲМда**)	
		Тошкент шаҳрида	Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда
1.	001, 007, 100 111, 222, 555, 700, 777, 888	900	500
2.	002, 005, 010, 020, 050, 070, 077, 080 101, 200, 202, 300, 333, 444, 500, 505, 707, 800, 808, 999	600	300
3.	003, 004, 008, 009, 011, 022, 030, 033, 040, 044, 055, 088, 090 110, 220, 303, 400, 404, 550, 600, 701, 717, 757, 770, 900, 909	300	200

*) РЎДРБ — рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари

**) БҲМ — базавий ҳисоблаш миқдори.

10. 3-иловада:

3-банд куйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ҳарфлари бир хил комбинацияда бўлган 680 жуфт давлат рақам белгилари 6-тоифага мувофиқ бошланғич нархда аукцион савдоларига қўйилади”;

5-банддаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати ҳудудий органларининг рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлинмаларига (кейинги ўринларда ҳудудий ЙХХДХ органлари деб аталади)” сўзлари “Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳудудий бошқармаларининг рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлинмаларига (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар)” сўзлари билан алмаштирилсин;

6–8-бандлар ва илова матнидаги тегишли сон ва келишиқдаги “ЙХХДХ органи” сўзлари тегишли сон ва келишиқдаги “ҳудудий бошқармалар” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банддаги “ҳудудий ЙХХДХ органи” сўзлари тегишли сон ва келишиқдаги “ҳудудий бошқарма” сўзлари билан алмаштирилсин.

